

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимлигининг "Аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар" муҳокамасига бағишланган навбатдаги йиғилиши республика Президентининг "2014-2018 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ва вилоят ҳокимининг ушбу қарор ижросига оид кўрсатмаларининг бажарилиши, вилоятда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни тарбиялашни янада кучайтириш, айнан тиббий хизмат сифатини давр талаби даражасига кўтариш мақсадида йўналтирилди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ ДАВР ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

Вилоят ҳокими Ахмад-жон Усманов олиб борган йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари, вилоятдаги даволаш ва профилактика муассасалари бош шифокорлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, халқ таълими бўлими мудирлари ҳамда бошқа дахлдор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар вилоят соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изланиш, интилишлар ва уларнинг самаралари ҳақида сўзлаб, келаятган янги "Соғлом она ва бола йили"да бунданда фидойилик кўрсатиб ишлаш кераклигини таъкидлашди. Зеро, ютқулар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам йўқ эмас.

— Мухтарам Юртбошимиз: "Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меvasи бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топибган ҳақиқатни тушунириб, изоҳлаб ўти-

ришининг ҳолати йўқ" деб таъкидлаганларида чуқур маъно-мазмун мужассам, — деди вилоят ҳокими А. Усманов. — Бунда, албатта, шу залда ўтирган барча масъулларнинг вазифалари, бурчлари аниқ кўриниб турибди.

Аммо, вилоятда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар тахлил қилинганда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилгани ва амалга оширилган ишлар қониқарсиз эканлиги маълум бўлди.

Йиғилишда, шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиеваннинг мавзуга доир танқидий, таҳлилий маърузаси, Ангрэн, Бўка, Олмалик, Окқўрган, Паркент, Юқори Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл шаҳар ва туманлари соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўйича мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Эътиборсизлик, сусткашлик оқибатлари кескин танқид қилиниб, қатъий чора-тадбирлар кўрилди.

Очиқлик, ошқоралик руҳида ўтган йиғилишда танқиддан тўғри хулоса чиқариш, Соғлом она ва бола йилида аниқ режа асосида пишиқ-пухта иш юритиш ҳақида кўрсатмалар, тақлиф ва тавсиялар берилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.



Бунёдкорлик

КЎРКАМ ВА ОБОД МАНЗИЛЛАР



Халқимизнинг азалий бунёдкорлик салоҳияти, яратувчанлик шижоати ҳаётимизга ўзгача фойда ва тароват бахш этаётганини бугун ҳар қадамда кўриш, ҳис этиш мумкин. Нафақат шаҳар ва марказлар, балки олис-яқин қишлоқларимизнинг тобора кўркамлашиб бораётганини кўриб, бекиёс гурур ва ифтихор туяси. Шундай кезларда қишлоқ тараққиёти топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади, деган шиор юксак ва теран ҳаётий мазмун билан ҳар бир замондошимиз қалбига жўшқинлик, ташаббус ва шижоат бахш этаётганига амин бўласиз.

Масалан, вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги даҳа, овул, қишлоқларнинг ҳозирги кўрку тароватини кўриб, бир қишлоқ шунчалик бўларда, дейишингиз аниқ. Чунки, кейинги уч-тўрт йил ичида ҳудудлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Йўллар тўддан таъмирланиб, унинг икки ёқасида боғ-роғлар, замон талабига мос, кўркам инфратузилма иншоотлари қад ростлади. Қўчалар ёруғ ва чарогон бўлди. Пасткам, лойсувоқ уй-жойлар ўрнини эса пишиқ гиштдан, замонавий услубда қурилган кўп қаватли иморатлар эгаллади. Аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган бундай кенг кўламли ишлар изчил давом эттириляпти.

Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари, хусусан, "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, ушбу ҳужжат ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, 2013-2015 йиллари амалга оширилган ишларга республика ва маҳаллий бюджет, тижорат банклари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркор ва ҳомиёлар ҳамда аҳоли ҳисобидан 1 триллион 560 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

Миннатдорлик

БУНДАЙ ДИЁР ҚАЙДА БОР

"Саломалик — туман бойлик", деб бежиз айтимаслигига яна бир бор амин бўлдим. Ҳаста, дардман кишига энг муҳими аслида, икки оғиз ширин сўз. Сақаллик сўраб келмайди деганларидек, вилоят кардиология диспансерида даволандим.

Авалло, бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, кўзим қувонди. Хоналар замонавий қиёфада жиҳозланган, барча зарур асбоб-ускуналар муҳайё. Энг сўнгги русумдаги даволаш, ташхис аппаратлари борлиги ҳам шифокорлар ишини, ҳам беморлар дардини енгиллаштирди. Шифокорларнинг малакаси ширин сўзлигини айтмайсизми? "Яхши сўз жон озиғи" деганларидек, беморларнинг дардига аввало даволовчиларнинг очик чехраси малҳам бўлади.

Ҳаста юрагимни малакали шифокор Муҳаммадсидик Жуманов даволади. Унинг касбини яхши билиши, тажрибаси туфайли ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман. Ҳамширлар Ойдин Олимова, Марғуба Алимова эртаю кеч атрофимда парвона бўлдилар. Эътиборлиси, бу ерда барча ташхис даволаш бепул. Мен улардан миннатдорман. Ўзингиз айтинг, кексаларни эъзозлаб, ардоқлаётган бундай юрт яна қайда бор. Илоҳим диёримизга кўз тегмасин, юртимиз ҳамisha тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Александра КЎЗИЕВА,
мехнат фаҳрийси, II гуруҳ
ногирони.

Бўка тумани.

Кўрик-танлов

Ёшлар онгига тарихий хотира, юксак маънавият, халқимизнинг миллий анъаналари, маданий меросга хурмат каби фазилатларни сингдириш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало, мафкуравий иммунитетларини янада кучайтириш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Қамо-

лот" ЕИХ, Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шiori остида ўтказилаётган "Маҳалла — менинг тақдиримда" кўрик-танловининг вилоят босқичида туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 18 та маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари иштирок этиб, 3 та шарт асосида ўзаро беллашдилар.

ВАТАН ИЧРА ВАТАН

Биринчи шартда иштирокчилар ўз маҳаллалари ҳаёти ҳақида саҳна кўриниши, иккинчи шартда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигига оид киши ҳамда сўнгги шарт бўйича "Маҳалла — менинг тақдиримда" мавзусида иншо ёзишди.

Мухтасар айтганда, кўрик-танлов ёшлар маънавиятини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида "Кеча ким эдиғу

бугун ким бўлдиқ?" "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган саволларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғибот қилиш, уларни янги марралар сари руҳлантириш, маҳалла институт тарихини ўрганиш, жойларда "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини янада кучайтириш, фуқаролар йиғинларининг вояга

етмаганлар, ёшлар ва спорт, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялари ўрни ва ролини оширишда ўзаро тажриба алмашиш мактаби сифатида ҳам аҳамиятли бўлди.

Танлов якунида Зангиота туманидаги "Чинор" маҳалласининг "Замона ёшлари" жамоаси учинчи, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Наврўз" маҳалласининг "Мустақиллик" жамоаси иккинчи, Юқори Чирчиқ туманидаги "Навбахор" маҳалласининг "Навбахор" жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди.

Ғолиблар диплом ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари А. Қаршиев иштирок этди.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.



Муносабат

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

"Ўз ҳаёти, ўз тақдирини она Ўзбекистонимиз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интиляётган болалар — бу менинг болаларим" деб ёздилар Юртбошимиз "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" асарларида.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистоннинг иқтидорли ёшлари она юртимизни ҳамма жабҳаларда жаҳонга танитмоқдалар. Аммо, Ўзбекистон чексиз имкониятлар мамлакат, деб тан олинаётган ҳозирги вақтда, афсуски, яратиб берилмаётган шaroитлардан эъгу мақсадларда фойдаланиш ўрнига эътиқод ва иродалари сустлик қилиб, турли оқимларга кўр-кўрона эргашиб, охири фожияли йўлларга кириб қолаётган ёшлар ҳам онда-сонда бўлса-да, учраб турибди. Шу ўринда мухтарам Президентимизнинг: "Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлди, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиршга ҳаракат қилади", деган фикрлари қанчалик ҳаётий эканига яна бир бор амин бўламиз.

"Ўзбекистон" ва "Тошкент" телеканаллари орқали намойиш этилган "Сўкирининг пушаймони" кўрсатуви ҳеч кимни бефарқ қолдирмади десак янглишмаймиз. Зеро, шу хусусдаги баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Мен ҳам она, ҳам педагог-рухшунос сифатида шахсий фикр-мулоҳаза ва тақлифларимни баён этмоқчиман.

Биринчидан, ҳақли савол туғилади: "Фирдавс Салимовнинг коллеждаги устозлари, оила аъзолари ва маҳалладошлари ўсмирнинг табиатида кун сайин зўрайиб бораётган ўзгаришларни наҳотки, сезмаганлар? Ёки уларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги панд берганми?"

Масалан, Фирдавс таълим берган педагоглар ўқувчининг ҳулқ-атворидаги сезиларли ўзгаришлар ҳамда нега дарсларга сабабсиз ёки турли баҳоналар билан қатнамай қўйгани ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасликларини қандай тушуниш керак? Ўсмирнинг ҳулқ-атворида алоҳида руҳий ҳолатлар намоеён бўлишини кузатганимизда, унда "катталар ҳисси" шаклланиши даврида мустақил тафаккур етарлича ривожлантирилмагани яққол намоеён бўлмоқда.

Оиладаги тарбия масаласига келсак, онасининг муносабатида ҳиссий устунлик яққол кузатилмоқда. Одатда, оиладаги тарбияда оталарнинг қаттиққўллиги ўрил болаларга ўз ҳатти-ҳаракатларидаги жавобгарлик ҳиссининг шаклланишига олиб келиши лозим. Лекин бу оилада отанинг кўр-кўрона ишончага асосланган бир ёқлама муносабатини кўришимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Қонуний ҳимоя

ҚАДДИНГНИ БАЛАНД ТУТ, ТАДБИРКОР!

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган мажлисдаги маърузаси бутун халқнинг, айниқса тадбиркорларнинг қалбларини фахрий-ифтихор туйғуларига тўлдирган бўлса, биз, ҳуқуқшунослар олдиға катта вазифа қўйди.

Юртбошимиз нутқидаги назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви бундан буён жиноий жавобгарлик билан жазоланиши ҳақидаги фикрлари бевосита қонуний асосга эга. Ёйни, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳуқуқий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш-

фалар қўйди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига муносабатда адолат ва қонунийлик таъминлашга риоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқлари бузилмаслигини таъминлаш соҳа ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгаришлар қўйилди, қонун асосида Жиноят кодексига киритилган, ҳатто Жиноят кодекси янги — XIII боб билан тўлдирилди. Ушбу бобда жумладан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банкларидаги ҳисобварақалари бўйича операцияларни қонунга ҳилоф равишда тўхта-

тиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақаларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга ҳилоф равишда талаб қилиб олиш каби ҳаракатларга жиноий жавобгарлик белгиланган.

Маъжур Қонун асосида Жиноят кодексига булардан ташқари яна бошқа қатор ўзгаришлар қўйилди. Хусусан, амалиётда кўп учрайдиган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашга 184-моддага асосан жиноий жазо тайинлаш мукаррар эди. Энди эса, ЖКнинг 184-моддаси 5-қисм билан тўлди-

рилди ва унга кўра "биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиб натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органларининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарининг ўрнини тўлиқ қопласа жавобгарликдан озод қилинади".

Қонунга кўра, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг роли янада оширилди ва божхона, солиқ органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузу-

ридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкларини мусодара қилиш ваколати олиб ташланиб, фақат суд томонидан бажарилиши белгиланди.

Маъжур Қонунда тадбиркорнинг ҳимоясига қаратилган бу ва бошқа тадбирлар, Президент Ислам Каримовнинг мамлакат Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқида таъкидланган кучли маънавий-руҳий мадад тадбиркорнинг қаддини янада баланд кўтариши учун мустаҳкам таянч бўлиши шубҳасиз, албатта.

Орифжон НИҒМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмалик шаҳар суди раиси.

Бунёдкорлик

КЎРКАМ ВА ОБОД МАНЗИЛЛАР

Шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли пунктларининг архитектуравий қиёфасини миллий анъана ва замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тўбдан яхшилаш, йўл-транспорт, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотларини модернизация қилиш, кўрсатилган хизматлар даражаси, сифати ва самардорлигини ошириш, сув ва иссиқлик таъминоти тизимлари, электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш ва таъмирлаш бўйича муайян ишлар бажарилади.

“Тошкент – Бекобод” автомобиль йўлининг Урта Чирчиқ туманидан ўтган 5,8 километрли қисмида – Бектемир кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари бунга мисол. Бу ерда замонавий лойиҳалар асосида 162 ўй-жой, саксонга яқин савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ҳамда бир неча спорт иншооти бунёд этилди.

Эни 50 метр, беш тасмали, барча талаб ва стандартларга жавоб берадиган “Тошкент – Бекобод” автомобиль йўли қайта қурилди. Икки четда оқова сув ариғи, пиедалар йўлагига, кўкчаларга ташкил этилди.

Йўл ёқасида бир қанча савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, ишлаб чиқа-

риш объектлари иш бошлаш арафасида. Жумладан, Жанубий Корея, Хитой билан ҳамкорликда тўқимачилик маҳсулотлари, аккумулятор ускуналари тайёрланадиган корхоналар фаолияти йўлга қўйилаяпти. Натижада, олти юздан зиёд маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланади.

– Базан қишлоғимизни дунёга кўз-кўз қилгим келади, – дейди қумовуллик Зикр бобо Аминов. – Негаки, бир маҳаллар худди шу жойларда пахта далаларидан бошқасини кўрмаган, турмуш ташвишларига ўралашиб кун кечирган ҳамқишлоқларимиз истиқлол шарофати билан қандай имкониятларга эга бўлгани, қандай шарт-шароитларда яшаётганини ҳамма билиб қўйса, дейман.

Фақат бугина эмас. Бундай улкан қурилиш ва обodonлаштириш ишларини пойтахт вилоятидаги ўнлаб қишлоқлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Айниқса, поёнига етаётган Кексаларни ёзозлаш йилида вилоят қишлоқларида бунёдкорлик, обodonлаштириш ишларини жадаллаштириш, аҳолининг турмуш даражасини янада оқсатириш борасидаги ишлар кўлами анча кенгайди. Айтайлик, 2009 йил 3 мавсимида 60 ўй-жой қурилган бўлса, 2010 йилда 20 худудда бунёд этилган 680 ўйда ҳовли тўйларига ўтказилди. Умуман, бунёдкорлар 2010-2013 йилларда

етмиш икки массивда 2 минг 427 шундай ўйни қуриб, қишлоқ аҳлига топширди.

Янги қурилган массивларда инфратузилмани яхшилаш, қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йиллар мобайнида мактаб, қишлоқ врачлик пункт-



ти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, ҳаммом, дорихона, гузар, бекат ва мини-банк каби юздан зиёд ижтимоий инфратузилма объектлари қурилди. Ичимлик суви ва газ қувурлари, электр тармоғи тортилиб, ички йўллар барпо этилди.

Ўтган йилларда кўплаб маҳалла фуқаролар йиғини бинолари, соғлиқни сақлаш, болалар спорт кўчалари ҳамда мусиқа ва санъат мактаби синга-ри ижтимоий соҳа объектлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олмалик, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳар бири 480 хо-

надонли йиғирмата кўп қаватли уй бунёд этилмоқда.

Йўлимиз тушиб, Зангиотага бордик. Миллий шаҳарсозлик санъати ва меъморчилигимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш мазкур мажмуа тобора фойзиди масканга айлантирилган гувоҳ бўлди.



Мажмуа ва унинг атрофида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш, обodonлаштириш ва кўкчалар зорлаштириш ишлари билан танишдик. Макбара, масжид ва хонақоҳлар ёнида наинки Марказий Осиё, балки Европа мамлакатларидан келган бир гуруҳ зиёратчиларни учратдик. Улардан бирини суҳбатга қорладик.

– Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман, – деди ўзини Бернд Хейн деб танитган немислик сайёҳ, – Бу ердаги очикқўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувонча тўлди. Ўзбекис-

тонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитлар мавжуд. Қолаверса, бу ерлар яшаш учун жуда қулай.

Мажмуа атрофида яшовчи аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида икки юз километрдан кўпроқ газ ва сув тармоқлари тортилди. Тўртта сув иншооти, бир қанча газ тақсимлаш пунктлари ва тармоқлари реконструкция қилинди.

Мазкур ишлар доирасида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган вақт мобайнида Зангиота ва Қибрай туманларида техник хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ишга туширилди. Ангрен шаҳридаги эллика яқин кўп қаватли уйгача бўлган худудга оптик толали алоқа линиялари ўрнатилмоқда. Янгийўл, Чиноз, Қибрай, Юқори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида мобиль алоқа тармоғини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш лойиҳаси доирасида умумий қиймат 1674,8 миллион сўмга тенг 19 станция қуриш режалаштирилмоқда.

Муҳтасар айтганда, бу борадаги ишлар кўлами кенгаймоқда. Натижада, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси ривожланиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги оқсалоқда.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.

Муносабат

Умуман, оиладаги ота-она ва фарзанд муносабатларида нафақат бевосита, балки билвосита назоратнинг йўлга қўйилмагани, фарзанд улғайгани сари унинг руҳияти ҳам ўзгариб бориши ҳақидаги тушунчанинг етишмаслиги аён бўлмоқда.

Энди ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш маҳалла фаолиятига назар солдиган бўлсак, Паркент туманидаги машҳур воқеа содир бўлган худудда бир эмас, бир неча оиладаги ота-она ва фарзандларда мафкуравий иммунитет шаклланиб қуриш имконини берди. Демак, ўзини ўзи бошқариш органида “Ота-оналар университети” фаолияти йўлга қўйилмаган, маҳаллаларда ташкил этилган комиссиялар аъзолари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларда психологик билим етишмади.

Интернет ҳақида гап борганда, ҳамкасблар билан Германияда малака ошириш пайтидаги гувоҳ бўлган бир ҳолатни эслашни жоиз деб биланман. Бир гимназияга таъриф буюрган имизда, кутубхонада интернет тармоғидан фойдаланган ўқувчиларни қўриб, раҳбарлардан олинаётган ахборот қай даражада ишончли ва ҳафсизлигини сўрадик. Бизга интернет тармоғи таълим тизимидаги муайян тармоқ орқали амалга оширилиб, олинадиган ҳар бир маълумот аввал ҳукумат на-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Огоҳлик

ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Бугун дунёда халқаро ҳавфсизлик ҳолатлари ўзгариб, геосийсий кескинлик ва қарама-қаршиликлар қучайиб бораётган, турли минтакаларда минглаб, ҳаттоки, миллионлаб бегуноҳлар, айниқса, аёллар ва ёш болаларнинг бевақф ўлимига сабабчи бўлаётган қирғинба-

ротлар давом этаётган гоёт таҳликали бир пайтда, шўқри, мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон. Ўшбу улғу неъмат тўғрисида бугун биз фарзандларимиз учун уй қураётганимиз, тўйлар қилаётганимиз, бир сўз билан айтганда, орзуларимиз рўйбери қураётганимиз.

Давлатимиз иқтисодиётининг муттасил ривожланиб бораётгани ҳисобига барча жабҳаларда олиб борилаётган ислохотлар турмушимиз фаровонлигининг тўбдан яхшиланишига замин яратмоқда. Албатта, буларнинг барчаси, аввало юртимиздаги барқарор тинчликнинг мевасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бизнинг барча эғзу орзу ва мақсадларимизга қилиб бўлган тинчликни асраш, айна шу соҳада хизмат қилувчиларнинг вазифаси деғувчилар қаттиқ янглишади. Чунки, бугун сайёрамиздаги тинч ва осуда ҳаётни қалқитиб турган, ёш ва навиқрон давлатимизнинг барқарор тинчлигига кўз тиккан ғаламислар ҳеч қандай чегара билмас омилардан фойдаланган-

тир. Чунки, интернет ёки шунга ўхшаш омма орасига тўсиқсиз кириб боровчи воситалардан фойдаланиб, турли бўлмағур бўхтонлар тарқатиш орқали сизу бизнинг юрагимизга гулгулла солимоқчи ва бу орқали мақсадларига эришмоқчи бўлмоқда. Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Аммо, ҳар биримиз янада хушёр бўлсак, хонадонимизнинг, фарзандларимизнинг, давлатимизнинг ҳавфсизлиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқиндагина Туркменистонда бўлиб қайтган Юрбошимиз кўшни давлат беварафлигининг йиғирма йилги муносабати билан ташкил этилган халқаро конференциядаги маърузалардан ҳеч қандай чегара билмас омилардан фойдаланган-

тир. Чунки, интернет ёки шунга ўхшаш омма орасига тўсиқсиз кириб боровчи воситалардан фойдаланиб, турли бўлмағур бўхтонлар тарқатиш орқали сизу бизнинг юрагимизга гулгулла солимоқчи ва бу орқали мақсадларига эришмоқчи бўлмоқда. Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Аммо, ҳар биримиз янада хушёр бўлсак, хонадонимизнинг, фарзандларимизнинг, давлатимизнинг ҳавфсизлиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқиндагина Туркменистонда бўлиб қайтган Юрбошимиз кўшни давлат беварафлигининг йиғирма йилги муносабати билан ташкил этилган халқаро конференциядаги маърузалардан ҳеч қандай чегара билмас омилардан фойдаланган-

тир. Чунки, интернет ёки шунга ўхшаш омма орасига тўсиқсиз кириб боровчи воситалардан фойдаланиб, турли бўлмағур бўхтонлар тарқатиш орқали сизу бизнинг юрагимизга гулгулла солимоқчи ва бу орқали мақсадларига эришмоқчи бўлмоқда. Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Аммо, ҳар биримиз янада хушёр бўлсак, хонадонимизнинг, фарзандларимизнинг, давлатимизнинг ҳавфсизлиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқиндагина Туркменистонда бўлиб қайтган Юрбошимиз кўшни давлат беварафлигининг йиғирма йилги муносабати билан ташкил этилган халқаро конференциядаги маърузалардан ҳеч қандай чегара билмас омилардан фойдаланган-

тир. Чунки, интернет ёки шунга ўхшаш омма орасига тўсиқсиз кириб боровчи воситалардан фойдаланиб, турли бўлмағур бўхтонлар тарқатиш орқали сизу бизнинг юрагимизга гулгулла солимоқчи ва бу орқали мақсадларига эришмоқчи бўлмоқда. Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Аммо, ҳар биримиз янада хушёр бўлсак, хонадонимизнинг, фарзандларимизнинг, давлатимизнинг ҳавфсизлиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқиндагина Туркменистонда бўлиб қайтган Юрбошимиз кўшни давлат беварафлигининг йиғирма йилги муносабати билан ташкил этилган халқаро конференциядаги маърузалардан ҳеч қандай чегара билмас омилардан фойдаланган-

тир. Чунки, интернет ёки шунга ўхшаш омма орасига тўсиқсиз кириб боровчи воситалардан фойдаланиб, турли бўлмағур бўхтонлар тарқатиш орқали сизу бизнинг юрагимизга гулгулла солимоқчи ва бу орқали мақсадларига эришмоқчи бўлмоқда. Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Аммо, ҳар биримиз янада хушёр бўлсак, хонадонимизнинг, фарзандларимизнинг, давлатимизнинг ҳавфсизлиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқиндагина Туркменистонда бўлиб қайтган Юрбошимиз кўшни давлат беварафлигининг йиғирма йилги муносабати билан ташкил этилган халқаро конференциядаги маърузалардан ҳеч қандай чегара билмас омилардан фойдаланган-

тир. Чунки, интернет ёки шунга ўхшаш омма орасига тўсиқсиз кириб боровчи воситалардан фойдаланиб, турли бўлмағур бўхтонлар тарқатиш орқали сизу бизнинг юрагимизга гулгулла солимоқчи ва бу орқали мақсадларига эришмоқчи бўлмоқда. Тўғри, давлатимизнинг қудрати чексиз. Аммо, ҳар биримиз янада хушёр бўлсак, хонадонимизнинг, фарзандларимизнинг, давлатимизнинг ҳавфсизлиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

Меҳр-мурувват ойлиги

УЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРИМИЗДА



Оққўрғондаги 78-ихтисослашган мактаб-интернат директори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Наргиза Хасанованинг ҳаётдаги ширини шундай: “Ҳар бир бола бахтли яшashi учун масъулмиз”.

Интернатнинг 250 ўқувчиси 90 ўқитувчи, 60 техник ходим доим кўз-қулқ бўлиб туради. 2015 йилда туман ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмагида ошхона, фаоллар ва спорт зали тўлиқ таъмирланди. Ҳар бир гуруҳ хоналари энг замонавий техник асбоблар билан таъминланди. Ҳатто, миллий урф-одат,

анъаналаримизни эслатиб турувчи хонтахта, кўрпача, ёстиқлар билан жиҳозланган хоналар ҳам болажонлар хизматида. Улар ўқувчиларни миллийлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Республикада давом этаётган “Меҳр-мурувват ойлиги” кунларида ушбу маскан тарбияланувчилари учун

“Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” мавзусида хайрия тадбири уюштирилди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекистон” эстрада бирлашмаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигидаги меҳр-мурувват байрами, совға-саломлар болажонларга олам-олам қувонч бағишланди.

Сайёра ЭШМАТОВА, Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

Фермер Ҳожиакбар Маждовнинг даласидаги бугдой майсаларининг авжи ўтган-кетганларининг ҳавасини келтираяпти. Гектарларда кўчат бут. Мўҳими – қалин туллага. Бу – бўлажак баракали хир-

мондан дарак. Зеро, деҳқонлар таъбирича, ҳосил кўчатдан олинади. Кўчатнинг бут ва қалин бўлиши эса, ерни тайёрлаш, уруғликни тез ва соз экиб, қийғос ундириб олишга боғлиқ.

БОШОҚ ТЎҚ – ДОН ТЎҚ

Ҳ. Маждов ҳар йили кузги бугдойни шундай тартибда экиб, мўл ҳосилга замин яратади. Шу боис у бошлиқ “Ғуломжон Исомуҳамедов” фермер хўжалиғи нафақат Зангиота тумани, балки вилоятда ҳам энг юқори ҳосилли хўжалиқлардан, Масалан, бу йил 40 гектарга экилган “Таня” навли бугдойдан майдонига қараб, 65-70 центнердан хирмон уюлди.

– Бизда ҳосилдорлик барқарор, 65 центнердан пайсамиди, – дейди фермер. – Экиннинг ўрасан, деганларидек, уруғликни экишга ҳар томонлама жиддий тайёргарлик кўрамыз. Аввало, ерни шудгорлашдан аввал гектарига 200 килограмдан аммофос ва 10 тоннадан маҳаллий ўғит соламыз. Униб чиққандан сўнг тез ва қалин тулпашни учун яна 50 кило-



грамм калий ва 200 килограмм карбонид берамыз. Чунки, бугдой қанча эрта ва қалин тулпаса, қишининг соғуғига шунча бардошли бўлиб, бақувват ўсади.

40 гектар майдондаги “Таня” навли бугдойнинг қалин ва дурқун майсалари фермер ҳақ эканини исботлайди. 40 гектар 30 гектар ер ҳам барвақт кузги шудгор қилиб қўйилган.

Эрта кўклам бу майдонларга картошка, қарам, сабзи каби сабзавот экинлари экилади. Дарвоқе, бу йил хўжалик 300 тонна картошка, 150 тонна қарам, 80 тонна сабзи, 30 тонна ошқовоқ етиштирди.

СУРАТДА: (чапдан) фермер Ҳожиакбар Маждов ва “Иттифоқ” таянч мадад ММТП раиси Омон Ҳўжаев. Даврон АХМАД олган сурат.

Ишлаб чиқариш

Шерали Умиров кўпдан бери ўйлаб юрган иши – кўнгабоқардан писта ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

КЎНГАБОҚАРДАН ПИСТА ЁҒИ

– Писта ёғи парҳезбон ҳисобланади, – дейди Ш. Умиров. – Унинг бошқа ёғларга қараганда фойдали хил-хатлари кўп. Шу сабаб ли аксарият хонадон соҳибалари писта ёғидан фойдаланишади. Шунинг ҳисобига олиб, июнь ойидан писта ёғи ишлаб чиқара бошладик.

Бўқа туманидаги “Оҳангарон – Анхор” масъулият чекланган жамияти ишга тушган, 25 фуқаро иш билан таъминланди. Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар ишчилар оғирини енгил қилмоқда. Корхонада бир кеча-кундузда 5 тонна ёғ ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулот бир ва беш литрли идишларга қўйилиб, “Залотинка” номи билан пешма-пеш савдо шаҳобчаларига жўнатилмоқда. Эътиборлиси, идишларни ҳам корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

– Хитойлик мутахассислар 18 ишчига корхонага ўрнатилган технологияларда ишлашни ўргатишди, – дейди иш юритувчи Ислам

Боқижонов. – Элмурод Мўминов, Бунёд Усмонов каби йигитларимиз ўқув жараёнини тез ва яхши ўзлаштириб, ҳозир технология бўлиб ишлашмоқда.

Тадбиркор ўсимлик ёғи ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 240 минг АҚШ долларини микдорда инвестиция қиритди. Ҳозир 20 хил нон ишлаб чиқариш режалаштирилаётган цех монтаж қилинмоқда. Ишга тушгандан сўнг 10 та янги иш ўрни яратилади.

Шерали Умиров бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Писта ёғи ишлаб чиқариш учун кетадиган кўнгабоқарни четдан ва вилоятимиз фермерларидан олаётган эди. Ҳозир 2 гектар ер олиб, маҳсулотни ўзи етиштириш ҳаракатида юрбди. Бундан ташқари, кунига 5 тонна хўл мевани қайта ишлайдиган, 10 турда 2 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона қуриш ниятида.

НОЗИМА РАСУЛОВА, Даврон АХМАД олган сурат.



ЗАРАРИ ФОЙДАНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРМАСИН

Кейинги йилларда республикада автомобиллар зарарсин ва муқобил ёқилғи турларида ўтказилмоқда. Лекин, бу борада техник ҳавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилларни газ билан тўлдирish компрессор станциялари ва автомобильларга газ қуйиш шаҳобчаларини ривожлантириш ҳамда транспорт воситаларини су-юлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўздавнефтегаз инспекция”си Тошкент шаҳар бўлими тегишли идора ва

ташкilotлар билан ҳамкорликни йўлга қўйгани натижада, пойтахтимизда кўплаб автомобиллар сиқилган ва суюлтирилган газга ишлашга ўтказилди. Натижада, ёқилғининг бу тури ҳам атроф-муҳитга зарарсиз, ҳам хамёнга анча фойда бўлмоқда.

“Ўздавнефтегаз инспекция” шаҳар бўлимида ўтказилган йиғилишда бугунги кунда пойтахтдаги хусусий автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчала-

рида ёқилғининг узлуқсизлигини таъминлаш учун улар захирасини яратиш юзасидан таҳлилчи ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Жумладан, аҳолининг бензинга эҳтиёжи 1200 тонна бўлса-да, ҳозир 1800-1800 тонна ёқилғи шаҳобчаларга етказиб беришмоқда.

Шаҳарда ёқилғи таъминоти барқарорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган ишлардан бири, шаҳобчаларда бензин фақат автомашиналарга қуйилиши, идишларга ёки “қўблага” ёқилғи бақларига қуйиб беришнинг олдини олиш

ва бу масалада ишчи ходимлар ўртасида доимий тушунтириш олиб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Лекин, шунга қарамай, ўрганиш вақтида айрим шаҳобчаларда қатор камчиликларга йўл қўйилиши натижасида унитар корхоналар ва хусусий шаҳобчалар ўртасида тузилган шартномалар талабларини бузганлиги учун бир қатор шаҳобчаларга маҳсулот етказиб бериш ўн кун муддатга тўхтатилди.

Шунингдек, куну тун олиб борилаётган мониторинг жараёнида маълум бўлмоқдаки, газ ёқилғисига ўтган автомобилларга

бензин тўлдириб берилгангоҳида ноҳуш ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлмоқда. Жумладан, “Қўйлик” бозори рўпарасида метан газ баллони ўрнатилган “Нексия” русумли автомобилда портлаш юз берди. Албатта, бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун газ баллони ўрнатилган автомашиналарга кейинги газ қуйиш шаҳобчасига етадиган микдорда бензин бериш мақсадаги мувофиқ-

Умиджон ТўЛАЕВ, “Ўздавнефтегаз инспекция” Тошкент шаҳар худудий бўлими бош технологи.

«ТОШКЕНТ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

барча касбдошларини Энергетиклар куни
ва юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ билан самимий кутлайди.

Турли жабҳада меҳнат қилиб, юрт ривожига
ҳисса қўшаётган меҳнаткаш халқимизга куч-қувват,
хуш кайфият ва мустаҳкам соғлиқ, 2016 йил
барчангизга омадли келишини тилайди.

Байрамингиз муборак бўлсин!



«ТОШВИЛСУВОҚОВА»

акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни кириб келаётган

Янги — 2016 йил билан

муборакбод этади. Янги йилда юртимизнинг
ҳар бир хонадонидан тинчлик, фаровонлик,
бахт-саодат, қут-барака аримасин!



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли
Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари
директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қуйидаги таълим
муассасасининг вakanт (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
---	------------------------	---------

1.	Чирчиқ олимпиа заҳиралари коллежи	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй
----	-----------------------------------	---

Таълижда олий маълумот (маданият ва спорт
ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим му-
ассасаларида академик лицей, ҚХНинг таъ-
лим йўналишларида камда биттаси ёки би-
лим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим
тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-
услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3
йилдан кам эмас ёки академик лицей, ҚХН-
нинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам
бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мута-
хассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим
муассасаси йўналиши бўйича илмий даража
ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лаво-
зимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилин-
майди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-
ҳунар таълими марказини ағдлаш учун уларни
кабрдаги 341-сонли бўйруғи билан тасдиқ-
ланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг
тизими ҳодимлари асосий лавозимларининг
малака талаблари" малака талабларига жа-
воб бериши керак.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИ-
НИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сон-
ли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-
ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчи-
нинг бўш лавозимларини ағдлаш учун уларни
танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги
Низом" асосида қуйидаги таълим муассас-
саларининг вakanт (бўш) бўлган директор ўрин-
босарлари лавозимларига **ТАНЛОВ** эълон
қилади:

**Маънавий-маърифий ишлар бўйича ди-
ректор ўринбосарлари:**

1. Янгийул тумани Гўлбаҳор саноат касб-
ҳунар коллежи;

2. Ўрта Чирчиқ қурилиш ва иқтисодиёт касб-
ҳунар коллежи;

**Ўқув ишлари бўйича директор ўринбо-
сарлари:**

1. Олмалик иқтисодий-иқтисодиёт ва сер-

вис касб-ҳунар коллежи;

2. Бўстонлик тумани хизмат кўрсатиш ва
энергетика касб-ҳунар коллежи;

3. Чиноз тумани Олмазор қишлоқ ҳўжалик
касб-ҳунар коллежи;

4. Оқўрғон транспорт ва сервис касб-ҳунар
коллежи;

5. Тошкент қимё-технология институтини қиш-
даги Чирчиқ академик лицейи.

**Ишлаб чиқариш таълими бўйича дире-
ктор ўринбосарлари:**

1. Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва
сервис касб-ҳунар коллежи;

2. Бекобод тумани агросервис ва иқтисо-
диёт касб-ҳунар коллежи.

**Директор ўринбосари лавозимига тан-
ловда иштирок этишни номзодлар:**

а) **Ўқув ишлари бўйича директор ўринбо-
сари лавозимига** академик лицей, ҚХНинг
таълим йўналишларидан камда биттаси ёки
умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот
(маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бун-
дан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педа-
гогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув
фаолияти) иш стажини 5 йилдан, малакавий
даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) **маънавий-маърифий ишлар бўйича ди-
ректор ўринбосари лавозимига** иқтисо-
дий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот
ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-
тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти)
иш стажини 5 йилдан кам эмас;

в) **ишлаб чиқариш таълими бўйича ди-
ректор ўринбосари лавозимига** ҚХНинг
билим соҳасига оид махсус фанлардан бири
бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлма-
ган педагогик иш стажига эга бўлган номзод-
лар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13
декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олин-
ган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муасс-
салари ҳодимлари асосий лавозимларининг
малака талабларини қўллаш бўйича йўрғи-
ма" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон

Республикаси олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг

марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-
сонли бўйруғи билан тасдиқланган "Ўрта мах-
сус, касб-ҳунар таълими тизими ҳодимлари
асосий лавозимларининг малака талаблари"
малака талабларига жавоб бериши керак.

**Таълижда иштирок этиш ҳоҳишини бил-
дирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни
тақдим этади.**

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2. Сўровнома асли (сўровноманинг барча
бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқарттирилмасиз
ўз қўли билан тўдирилиши керак);

3. Тархумий ҳол (қўл ёзма);

4. Маълумотнома (сўровнома-объективка);

5. Меҳнат дафтарасининг асли ёки нусхаси
(қадрлар бўйича инспектори томонидан тас-
диқланган ҳолда);

6. Диплом нусхаси (тамомланган олий таъ-
лим муассаса томонидан дипломининг
ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли мўҳри билан
тасдиқланган маълумотнома);

7. Тиббий қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги
маълумотнома форма-086 асли;

8. ИИБдан маълумотноманинг асли;

9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги
ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийли-
ги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);

10. Паспорт нусхаси;

11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);

12. 6 та фотосурат (3х4);

13. ИНН, пенсия жағғариб бориладиган
дафтарча нусхалари;

14. Концепция (номзоднинг таълим муасс-
асига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича
ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бош-
лаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилин-
нади.**

Мурожаат учун маълум: Тошкент вилоя-
ти, Қўбрай тумани, Қорамўлт кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефон: 150-40-37.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўлов-
чи транспортнинг барча турлари ҳара-
катини лицензиялаш ва мувофиқлашти-
риш Департаментининг "Тошкент вилояти
ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида
йўловчиларни ташиш фаолиятини ли-
цензиялаш бўйича комиссияси"нинг
2015 йил 18 декабрдаги 53-сонли Ба-
ённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолият-
нинг айрим турларини лицензиялаш
тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига
асосан: 1. "ONANGARON ZENIT FOX"
МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида
йўловчиларни шаҳарда автобусларда
ташиш" фаолиятини амалга ошириш
хуқуқи учун берилган АТ серияли
000873 рақамли лицензиянинг амал
қилиш муддати 2015 йил 19 декабрдан
туғатилди.

Тошкент вилояти Давлат мулки-
ни бошқариш ва тадбиркорлик-
ни қўллаб-қувватлаш бошқарма-
си томонидан 03.08.1994 йилда
берилган 2434-сонли Тошкент
вилояти "Дори-Дармон" АЖ
тизимидаги Паркент тумани
9-сонли дорихонасига берилган
мулккий хуқуқни тасдиқловчи му-
ваққат давлат ордери йўқолган-
лиги сабабли бекор қилинади.

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши партия-
нинг Пискент тумани кенгаши раиси Абдулла
Эшонкуловга волидан муҳтарамаси
РИСОЛАТ АЯнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор
этади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни *Янги йил* байрами билан самимий қутлайди.

Соғлом она ва бола йилида бахт-саодат ва кўнгилободлик тилайди.
Янги йилда янги омадлар ёр бўлсин!



БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ АЙЁМИ

Яна санокли кунлардан сўнг мактаб ўқувчилари учун қишқи таътил бошланади. Юртимиздаги барча театр жамоалари ўғил-қизлар таътил кунларини мазмунли ўтказиши учун бир-бирдан қизиқарли театрлаштирилган байрам дастурларини ҳозирлади.

– Мамлакатимизда театрлар фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар келажак авлод маънавиятини бойитиш, билим ва салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилаёттир, – дейди “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи Эсонбой Уринов. – Шу кунларда барча театр жамоалари Соғлом она ва бола йилини муносиб кутиб олишга бағишланган тантааларга қизгин тайёргар-

лик кўраёттир. Саҳна асарларида юртимиздаги бахтиёр оилалар, оналик ва бодалик, бегубор ёшлик та-раннум этилади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида юртдошларимизга байрамни нишонлаш учун қулай шароитлар яратилиб, майдонларни бадий ҳижатдан безаш, театрлаштирилган спектакллари юқори савияда намойиш этиш, байрам тадбирларини тинч-осойишта ўтказишга асосий

эътибор қаратилаёттир.

Бундан ташқари, болажонлар пойтахтимиздаги театрларда намойиш этиладиган байрам спектакллари томоша қилиб, дам олишлари ҳамда қишқи таътилни мароқли ўтказиш мумкин. Хусусан, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида “Янги йил эртаги”, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида “Янги йилга улкан эртақ билан” мусиқий спектакллари, Ўзбек миллий академик драма театрида “Ўрмон сири” асари саҳналаштирилган. Республика кўғирчоқ театри актёрлари байрам кунлари “Янги йил мўъжизаси” саҳна асарини намойиш этади.

Ўзбекистон ёшлар театри жамоаси болаларга саргузаштбон янги йил томошаларини тақдим этишнинг режалаштирган. Байрам кунлари театрд “Оловуддиннинг сеҳри чирроғи” спектаклини томоша қилиш мумкин. Актёрлар маҳорати, миллий ранглар уйғунлиги, дилрабо мусиқа ва ажойиб хореография ёш томошабинларга манзур бўлиши аниқ. Спектаклда эзгуликнинг ғалаба қозониши, соф инсоний туйғулар ҳақида ҳикоя қилинади.

– Янги йилни ҳаммадан кўпроқ болалар интиқ бўлиб кутади, – дейди Республика ёш томошабинлар театри бош маъмури Баҳодир Шарипов. – Жамоамиз ҳам

Янги йил байрамида болалар учун бир-бирдан ажойиб кўнгилобод дастурларни тухфа этишга ҳозирлик кўраёттир. Байрамда театр репертуаридан “Мадагаскар”, “Оппокой ва унинг дўстлари”, “Ғаройиб воқеалар” ва бошқа спектакллар ўрин олган. Бундай қизиқарли томошалар кичкинтойларга хуш кайфият улашади деган умиддамиз. Ҳа, жойларда болажонлар учун қизиқарли ва мароқли хилма-хил байрам дастурлари тайёрланмоқда. Мақсад навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли, қишқи таътил кунларини завқли ўтказишдан иборатдир.

Азиза ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Кўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтига 2015-2016 ўқув йили учун божхона иши ва ҳуқуқшунослик таълим йўналишлари бўйича қабул ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олий ҳарбий божхона институтига божхона иши соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёргарлигини амалга оширади. ОХБИга ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар қабул қилинади. Институтга 17 ёшдан 21 ёшгача (қабул йилида 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган, ҳарбий хизматни ўтамаган, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳарбий офицерлар тарқиб унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий хизматни ўта-

ган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, асосан қабул қилинади. Ўқув болалар 170 см дан (қиз болалар учун 165 см) паст бўлмаслиги талаб қилинади. Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кириш тўғрисидаги аризалар Тошкент вилояти божхона бошқармаси томонидан 2016 йилнинг 1 февралдан 15 апрел кунли қалдар қабул қилинади. (Мурожаат этиш пайтида абитуриентлар ўзлари билан шахсни тас-

диқловчи ҳужжатлар: паспорт, тутилганлик ҳақида гувоҳнома ва ҳарбий гувоҳнома тақдим этиши лозим). Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни Тошкент вилояти божхона бошқармаси кадрлар бўлими телефонлари орқали олишнинг мумкин. Шаҳар телефони: 120-86-14. Манъилими: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дархонтепа кўчаси, 7-А уй.

“КО’СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан, ФИБ Тошкент вилояти Зағиота туманларо савдосининг 2015 йил 15 майдаги 1-3120/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, “Гулоробод” маҳалласи, рақамсиз уйда жойлашган, 10 хонадан иборат, умумий ер майдони 600 кв.м бўлган 3 та асосий яшаш хонаси, 2 та дахлиз, ошхона, ҳаммом, хўжалик хонаси, ҳовлидаги қўрилмалар айвон, ҳосилма ҳовли, оғирхонадан иборат бўлган уй-жой бино-ишчиотлари тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 56 250 000 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 8 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddati: 2015 йил 6 январь кунини соат 16:00.

Савдо қилинган 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddati олди-сотида шартномаси тузиладиган белгиланади. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ко’снмас мулк савдо хизмати” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz, neltssavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

“КО’СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади!

Аукцион савдосига Охандар тумани СИБ томонидан, ФИБ Охандар туманларо савдосининг 2015 йил 27 ноябрдаги ажрасига асосан, Анжен шаҳар, А.Ясавий кўчаси, 137-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 800 кв.м, қурилиш ости майдони 337.5 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 143.24 кв.м бўлган, 0001, 0002, 0003-литерларда жойлашган уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 500 000 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 24 январь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz, neltssavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.



КЎЧКИ ҚУРБОНЛАРИ ТЎҚСОНДАН ОШДИ

Reuters агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Хитойнинг жанубида юз берган кўчки оқибатида бедарак йўқолганлар 90 кишидан ошди.

Ҳукумат тарқатган маълумотларга қараганда, бедарак йўқолган 91 кишининг 59 нафари эркак ва 32 нафари аёллар экан. Яна 14 киши қутқариб олинди ва 900 дан зиёд аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди. Қидирув-қутқарув ишларида 500 дан зиёд ўт ўчирувчи 30 та ўргатилган ит билан хизматни давом эттирмоқда.

Ўтган якшанба кунини юз берган кўчки 33 та бинони вайрон қилди. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпин маҳаллий ҳукумат органларига қурбонлар кўпайишига иложи борица йўл қўймаслик, яраланганларга тиббий ёрдамни таъминлаш ва оилаларига қўмақ бериш ҳақида буйруқ чиқарди. Давлат кенгаши бош вазири

Ли Кацянь эса табиий офат сабабларини расман ўрганишни бошлаш ҳақида фармойиш берди.

Ер ва табиий ресурслар вазирлигининг маълумотларига қараганда, кўчкига теvarак-атрофда қурилиш чиқиндилари кўпайиб кетгани сабаб бўлган.

САЙЛОВ ҒОЛИБИ – ҲУКМРОН ПАРТИЯ

Испания бош вазири Мариано Рахоя бошлиқ ҳуқмрон Халқ партияси парламент сайловларида энг кўп овоз олди.

Reuters агентлигининг шу ҳақда тарқатган хабарига айтилишича, Халқ партияси парламентда 114 тадан 124 тагача ўринга эга бўлади. Бу парламентда мутлақ кўп ўринга эга бўлиш учун етарли эмас, албатта. Бироқ, муҳолифатчи партия иккинчи ўринни эгаллаб, 79-85 мандатга эга бўлгани ҳисобга олинса, Халқ партияси сайловларда чинакам ғолиб чиққани аён бўлади.

Энди яқин бир неча ҳафта давомида Испаниянинг янги ҳукумати шакллантириш ҳусусида музокаралар давом этади. Чунки мамлакат конституциясида бу масалада аниқ мuddat белгиланмаган.

САМОЛЁТ БОРТИДА ШУБҲАЛИ БҮЮМ

Маврикия оролидан Париж томон йўл олган самолёт бортида топилган шубҳали қурилма хавфсиз бўлиб чиқди.

Air France авиакомпанияси ижро-чи директори Фредерик Гаже махсус ташкил этилган матбуот анжуманида берган баёнотида таъкид-ланганича, самолётдан топилган шубҳали буюм мутлақо хавфсиз, яъни, қалин қоғоз ва оддий варақлардан ясалган бўлиб, ҳаво лайнери учун ҳеч қандай зарар етказолмас экан. Шу боис кўтарилган шов-шув ну-рин бўлиб чиқди. Ижрочи дирек-торнинг Reuters агентлигига бер-ган интервьюсида таъкидланганича, йўловчилардан бири шубҳали қурилмани топиб олганидан сўнг ҳаво лайнерини яқин аэропортлар-дан бирига зудлик билан қўндириш-га қарор қилинган. Йўловчилар зуд-лик билан самолёт бортини тарк этишди. Мутахассислар ҳаво лайне-рини қўздан кечириб чиқишга, фав-қулдда вазият бекор қилинди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ИНДОНЕЗИЯ СОҲИЛИДА КЕМА ҲАЛОКАТИ

Reuters агентлиги Индонезиянинг Сулавеси ороли яқинида бортида 100 дан зиёд киши бўлган йўловчи кема-си ҳалокатга учрагани ҳақида хабар тарқатди.

Маълум бўлишича, Жанубий Сулавеси вилояти томон йўл олган ушбу кема сувга бутунлай чўкиб кетгани йўқ. Шу боис воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари жадал давом эттирилмоқда. Турли манбалардан маълум қилинишича, кема бортида 108 дан 122 кишигача, шу жумладан, экипаж аъзо-лари бўлган. Ҳалокат сабаби ҳамда тирик қолганлар бор-йўқлиги ҳозирча номаълум.

РИА Новости агентлигининг ёзишича, Россиянинг Жакартадаги элчихонаси хо-димлари кема бортида россияликлар бор-йўқлигини аниқлашмоқда. “Қурбон бўлган-лар ва уларнинг қайси миллатга тааллуқ-ли эканлари ҳақида Индонезиянинг тегиш-ли идораларида ҳозирча расмий ахборот-лар йўқ, – деди Россиянинг Индонезия-даги дипломатия ваколатхонаси матбуот-атташеси Николай Карапетян. – Шу боис ҳозирча бу ҳақда аниқ гап айтолмаймиз, негаки, рақамлар ўзгариши мумкин.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Манъилими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва

мухбирлар:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Ирода НОРБОВЕВА

Навбатчи

Наргис ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДХҲАЕВ